O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 20 сентябрь ШАНБА

№ 75 (12.086)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## ЎЗИМИЗДАН ЧИҚҚАНИГА НЕ ЕТСИН!

**Қуйичирчиқ тумани Султонобод қишлоғилик Дилноза Олтибоева бугун одатдагидан анча барвақт уйғонди. Чунки бугундан бошлаб уззу кун уйда ўтирмайди. Турмуш ўртоғини ишга, фарзандларини боғчага жўнатганидан сўнг ўзи ҳам ишга отланиши керак. У туманда фаолият бошлаган "Daeshin Megatex" қўшма корхонасига ишга кирди.**

«Ўзбекистон беш йиллиги» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Пахтазор маҳалласида бунёд этилган бу янги корхона қишлоқ аҳли учун ҳақиқий совға бўлди. Чунки корхона ишга тушиши билан 320 нафар маҳаллий хотин-қиз муқим ишли бўлиб, оилавий шароитларини яхшилаш имконига эга бўлишди. Яхшигина маош, бепул тушлик, беминнат транспорт хизмати, бежиримгина махсус иш кийимлари ҳаммага бирдек маъқул.

– Корхонамиз асосан трикотаж буюмлар ишлаб чиқаради, – дейди корхона раҳбари На Ченг Сон. – Уни ишга тушириш учун бир йилдан зиёд вақт давомида кўплаб мутахассис ва экспертлар билан бирга жиддий ишлашга тўғри келди. Натижада йирик ва мукаммал лойиҳа яратилди ва уни амалга ошириш учун 900 минг АҚШ доллари сарфланди.

Корхона лойиҳаси учун ажратилган маблағнинг 600 минг АҚШ долларига жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидан замонавий технологик ускуналар ва бошқа керакли воситалар олиб келиб, ўрнатилди. Бунинг учун "Модерн" ташкилоти билан қилинган ҳамкорлик қўл келди.

Ҳозир корхона цехларида 9 та бригада ишлаяпти. Уларнинг ихтиёрида 135 та тикув машинаси бор. Бу ерда катта-катта технологик линиялардан тортиб, оддий дастгоҳнинг ҳам унумли ишлашига алоҳида эътибор берилади. Агар бирон тикув машинаси ишдан чиқса ёки дазмоллаш ускунаси панд берса, дарров усталар келиб, созлаб беришади.

– Кунига 10 минг дона эркак ва аёлларнинг трикотаж кийимларини ишлаб чиқараяпмиз, – дейди цех бошлиғи Ҳакимжон Тўлаев. – Келгусида болалар кийимларини ҳам ишлаб чиқариш ҳисобига ишимиз кўлами анча кенгаяди.

Корхонада кимнингдир ишсиз ўтирганини ёки икки дугонанинг гаплашганини кўрмайсиз. Ҳамма ўз иши билан банд. Кўринарли жойга ўрнатилган электрон таблода ҳар бир бригада учун белгиланган кунлик иш режаси акс эттирилиб, унинг кун давомида қандай бажарилаётгани кўрсатиб борилади. Демак, иш қайси бригадада қандай бораётганлиги шундоққина кўриниб туради.

– Бу ерда ишни эплаб кетишимиз учун уч ой давомида яхшилаб ўқитишди, – дейди ишчи Раиса Саидвалиева. – Тажрибали мутахассислар ёрдамида тикишга анча қўлим келиб қолди.

– Ишимизда тайёр кийимларни бежирим қилиб ўраш муҳим жараён ҳисобланади, – дейди ишчи Соҳиба Турғунбоева. – Маҳсулот қанчалик сифатли ва бежирим бўлмасин, уни ўрашда озгина эътиборсизлик қилинса, харидорини йўқотиши турган гап. Шу сабаб ҳар бир маҳсулотни чиройли тахлаб, елим пакетларга солишга алоҳида аҳамият бераман. Қолаверса, менинг қўлимдан ўтган мана шу маҳсулотлар нафақат корхонамиз, балки юртимиз юзи бўлиб, чет элларга экспорт қилинаяпти.

Дарвоқе, бошқа турдош корхоналардан фарқли ўлароқ, бу ерда иш бир сменада ташкил этилган. Бу корхона қувватининг пастлиги ёки буюртмаларнинг камлигидан эмас. Корхона раҳбарияти маҳаллий хотин-қизларнинг оилавий шароитларини инобатга олиб, шундай қарорга келди.

**Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**







**СУРАТЛАРДА:** тикувчи Муяссар Анорбоева иш устида; етакчи мутахассис Дилшод Давлатқулов ҳамда қадоқловчи Нодира Ўрозова тайёр маҳсулотлар омборида; замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган тикув цехида иш қизғин.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Вилоят ҳокимлигида

## ҲАР БИР ШАХСГА — ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОР

**Мустақиллик йилларида янгиланаётган Ўзбекистон жамияти ва давлати инсонпарварлик тамойилларига содиқлигини муттасил намойиш қилиб келмоқда. Олий Мажлис Сенати қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарор бу анъананинг яна бир кўриниши бўлди.**

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур муҳим ҳужжат Давлатимиз раҳбарининг тақдимномасига биноан қабул қилинди.

Вилоят ҳокимлигида ўтган йиғилишда шу қарордан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, бошқармалар, суд-ҳуқуқ идоралари, айрим жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Таъкидландики, мазкур қарор тасодиф оқибатида жиноят содир этиб қўйган ёки муайян ёшга етган, шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятлари учун жазони ўтаётган маҳкумлар озод этилишини кўзда тутади. Уларнинг жазони ўташ давридаги хулқ-атворини, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиш ва мазкур қарорнинг тегишли бандларига мутаносиблигини кўриб чиқиш, муддатидан илгари озод қилинган шахсларни ишга жойлаштириш ғоят мураккаб масалалардир. Маҳаллий бошқарув, суд-ҳуқуқ, меҳнат ва ижтимоий муҳофаза идоралари, «Маҳалла» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маҳаллий бўлимлари бу борада ҳамкор-ҳамжиҳат бўлиб иш олиб боришлари талаб қилинади. Шу муносабат билан йиғилиш ҳар бир бўғиннинг вазифалари аниқ-равшан белгилаб берилган қарор қабул қилди. Муҳими, жазони ўташ жойларидан қайтиб келган фуқароларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмаслиги, соғлиқни сақлаш муассасалари, бандлик идоралари, маҳалла фаолларининг ғамхўрлик ва диққат-эътиборида бўлишлари керак. Мақсад – ҳар бир шахс ҳаётда ўз муносиб ўрнини топиб олишига кўмаклашишдан иборат.

Йиғилишни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов бошқарди.

2008 йил – Ёшлар йили

## БУ ҲАЛИ БОШЛАНИШИ...

**Мамлакатимизда спортни янада оммалаштириш, айниқса, болалар спортини юксак даражада ривожлантиришга қаратилган аниқ дастурлар асосидаги кўламли ҳаракатлар бугун ўз самараларини бермоқда.**

Спортчиларимиз нафақат ички, балки халқаро нуфузли мусобақаларда ҳам муносиб иштирок этиб, салмоқли натижа ва ютуқларни қўлга киритаётир. Улар ўз муваффақиятлари билан давлатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтириш билан бирга юртимиз ёшларининг ҳеч кимдан кам бўлмай камолга етаётганини бутун дунёга кўз-кўз қилмоқдалар.

Бутун дунё нигоҳини ўзига қаратган сўнгги нуфузли мусобақа — Пекинда бўлиб ўтган XXIX ёзги олимпиадада ҳам спортчиларимиз тенглар ичра тенг бўлиб майдонга чиқдилар. Кескин ва шиддатли баҳсларда ҳамюртларимиз битта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медалини ва бир қатор юқори поғоналарни қўлга киритганлари барчамизни бирдек қувонтиргани рост. Энг муҳими, бундай ютуқлар улғайиб келаётган ёш авлоднинг эртанги кунга бўлган ишонч ва эътиқодини мустаҳкамлашга, жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини шакллантиришга, янги-янги иқтидор эгаларини етишиб чиқишига хизмат қилади.

Мазкур олимпиадада муваффақиятли иштирок этганлар қаторида ўртачирчиқлик иқтидорли спортчи, 21 ёшли Вадим Меньковнинг борлиги айниқса, қувонарлидир. Вадим ҳали ёш бўлишига қарамай маҳоратли бир спортчи эришиши мумкин бўлган жуда кўп ютуқларни қўлга киритган. У байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, бир неча бор мамлакат чемпиони, 2006 йил Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида ўтган XV Осиё ўйинлари олтин медаль соҳиби, бир неча бор Осиё чемпионати олтин медаллари нишондори...

Пекин олимпиадасидаги муваффақиятли иштироки ва IV ўрин соҳиби бўлгани у эришган ютуқларга янада салмоқ бахш этди, десак хато қилмаймиз. Чунки бундай олимпиадаларнинг нуфузи ва аҳамиятини спорт ихлосмандлари жуда яхши ҳис этишади. Унга қўлга киритган муваффақиятлари учун мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Президентимизнинг махсус Фармонига мувофиқ "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони берилди.

— Мен нимагаки эришган бўлсам меҳрибон ва жонкуяр мураббийларим, хусусан, биринчи устозим Вадим Пономарёвнинг беқиёс хизматлари, айниқса, мамлакатимизда спортчилар учун яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар, хусусан, муҳтарам Юртбошимизнинг алоҳида ғамхўрликлари натижасидир, — дейди Вадим. — Ўйлайманки, бу ҳали бошланиши. Олдинда мени ва мен каби Ўзбекистон ёшларини жуда улкан зафарлар кутаяпти.

Куни кеча вилоят ҳокимлигида маҳоратли спортчи билан мулоқот бўлиб ўтди. Спортчи билан дўстона ва самимий суҳбат мобайнида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов унинг бугунги ўй-хаёллари, келгуси режалари билан қизиқди ва унга вилоятимиз аҳлининг алоҳида ҳурмат-эҳтиромини изҳор этди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙЛИКЛАР

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг янада юксалишида муҳим омил бўлмоқда.**

Тошкент вилояти "Матлуботсавдо" акциядорлик компанияси аҳолига савдо хизмати кўрсатиш, бозорлар тўкинлигини таъминлаш ҳамда ташқи савдонинг ривожланишига муайян ҳисса қўшиб келаётган корхоналардан. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 май куни қабул қилинган "2008 йилда мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида мазкур акциядорлик компанияси томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Компания раиси Жамшид Зоҳидовнинг маълум қилишича, истеъмолчиларга, айниқса, олис қишлоқ аҳолисига озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотларни қулай шароит ва арзон нархларда марказлаштирилган усулда етказиб беришдек муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, савдо-сотиқ, умумий овқатланиш жойлари ҳамда боғча, мактаб, шифохона каби муассасалар озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминламоқда. Таъкидлаш жоизки, айни вақтда боғларда пишиб етилган мева, полиз, сабзавот маҳсулотларини ўз вақтида йиғиштириб, бозорларга етказиб бериш учун қулай шароит яратилган. Шу боис, биринчи навбатда ички истеъмол бозори ҳамда қайта ишлаш корхоналарини сифатли маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, вилоятда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички бозор талабидан ортиқчаси экспортга чиқарилмоқда.

Компаниянинг саккизта унитар ва ўн иккита шўъба корхонаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини аҳолига етказиб бериш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан фаол шуғулланмоқда. Ҳозиргача улар хорижий компаниялар билан тузилган шартнома асосида 15 миллион сўмдан ортиқ миқдордаги маҳсулот етказиб берди. Россия, Германия, Янги Зеландия каби давлатларга юборилган ўрик, қовун, узум, помидор, олча, карам ва кўкатлар шулар жумласидандир.

Амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад аҳолига, айниқса, олис қишлоқларда яшовчиларга кўрсатилаётган савдо хизмати сифатини яхшилаш ва экспорт ҳажмини оширишдан иборат.

**Сайёра ШОЕВА, ЎзА мухбири.**

## ЁШЛАР ТЕАТРИДА ЯНГИ МАВСУМ

**Тошкентда Ўзбекистон ёшлар театрининг саксон биринчи мавсуми очилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Театрнинг ижодий раҳбари Наби Абдураҳмоновнинг таъкидлашича, навбатдаги мавсумда, анъанавий саҳна асарлари қаторида, жаҳон классиклари ижодига мансуб халқаро фестивалларда юқори баҳоланган спектакллар ҳам намойиш этилади.

Хорижлик ва россиялик драматург ва ижодкорлар асарларига эътибор қаратишнинг сабабларидан бири келгуси йилнинг мартида театр жамоаси Россияга ижодий сафар қилишни режалаштирган. Сафардан асосий мақсад эса Саранск шаҳрида ўтадиган драматик театрларнинг халқаро фестивалида иштирок этишдир. Бундан ташқари Ёшлар театри жамоаси апрель ойида Санкт-Петербургда ўтадиган «Россия билан учрашув» фестивалида ҳам қатнашади.

Янги мавсумда жамоа қатор лойиҳалар тақдимотини ўтказишни ҳам режалаштирмоқда. Жорий йилнинг октябрида Германиянинг Гёте институти билан ҳамкорликда ташкил этилган «Teater und Schle» («Театр ва мактаб») немис дастури кенг омма эътиборига ҳавола қилинади, шунингдек, келгуси йилнинг февралида Ёшлар театри қошидаги драматургия санъатининг мактаб-студияси тақдимоти бўлиб ўтади.

**«Туркистон-пресс».**

Маънавият

## ВИЖДОНИ УЙҒОҚ ОДАМЛАР

**Одамнинг сиртига қараб баҳо бериб бўлмайди. Бунинг устига ўнгингда ҳам, тушингда ҳам кўрмаган одамингга дуч келганингдаги дастлабки тасаввуринг алдамчидир. Баъзан ҳар куни учратиб юрган одамингни ҳам тушунмай қоласан. Аслида ҳар бир инсон ҳам савол, ҳам жавобдир.**

Истиқлол йилларида турмушимиз, ҳаёт тарзимиз ва теварак-атрофимизда катта ўзгаришлар бўлаётганини ҳар қадамда кўриб турибмиз. Ҳаётдаги дастлабки ўзгаришлар одамлар онгига аввало қизиқиш, сўнгра мулоҳаза олиб кирди. Мулоҳаза одамни уйғотади ва фикрлашга, нима биландир шуғулланишга, яъни тадбиркорликка отлантиради.

Ишни дастлаб иккита сигирни соғиб, сутини бозорда сотишдан бошлаган бир йигит билан суҳбатимиз шундай кечди.

– Мустақилликнинг дастлабки йилларида, тўғрисини айтсам, бирон иш бошлашга юрак дов бермасди. Ахир, шўро даврида "бу мумкин эмас" деган тақиқлар кўп бўлган. Шунинг учун ҳам биримиз икки бўлмас экан. Хуллас, икки сигирдан 10 литр сут оламан ва бозорга обориб сотаман. Бозорда юриб шуни ўргандимки, сутдан кўра қаймоқ билан қатиқ пул экан. Йиққан пулимга қаймоқ чиқарадиган аппарат сотиб олдим, сармоям кўпайди. Сўнг яна битта соғин сигир олдим. Колхозлар фермер хўжаликларига айлантирилганида 5 гектар тутзор олдим, унинг орасига ҳар йили озуқа экинлари экаман. Шундай қилиб, ҳозир ўнта соғин сигирим бор. Тўртта бозорда тўртта сотувчим бор. Пулимиз кўпайди, шароитимиз яхшиланди, машина олдик, болаларни ўқитаяпмиз. Маҳалламиздаги боғчага ва мактабга ҳомийлик қиламиз. Боғча болаларининг эрталабки сутлари биздан. Ўзимча ўйлайман, мустақилликни мустаҳкамлашда мен ҳам иштирок этаяпман, давлатимиз иқтисодиётига ҳисса қўшаяпман. Ахир одамлар соғлиғига фойда бўлган сут, қаймоқ, сузма, сариёғларни харидорларга пешма-пеш етказиб турибмиз-да... Аввало, мулоҳаза қилиб, етти ўлчаб бир кесиб иш бошладик, кам бўлмадик. Бизга ўхшаган тадбиркорларга йўл очиб берган давлатимизга, Юртбошимизга фақат раҳмат деймам. Бошқаларга эса айтадиган гапим шундай: халқимизда ҳикматли сўз бор "Ўйчи ўйини ўйлагунича, таваккалчи ишини битирибди". Қўрқмай иш бошланг, марра сизники бўлади, бой бўласиз, ўзингизга ҳам, давлатга ҳам, бошқаларга ҳам бундан фақат фойда келади.

(Давоми 2-бетда).

2008 йил учун обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

# ВИЖДОНИ УЙҒОҚ ОДАМЛАР

Ёшлар билан бўлган бир учрашувда мендан "Виждони уйғоқ одамлар кимлар?" деб сўрашди. Мен уларга юқоридаги йигитнинг фаолиятини қандай эшитган бўлсам, шундай гапириб бердим.

Шу баҳона виждони уйғоқ одамлар ҳақидаги мулоҳазаларим туғилди. Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида шундай сўзлар бор: "Виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди. Айниқса, эл-юрт манфаатига зарар етказадиган ёвуз хатти-ҳаракатларга ҳеч қачон четдан жим қараб туролмайди, ўз юрти ва халқига нисбатан хиёнат ва сотқинликни асло қабул қилолмайди. Бундай ҳолатларни кўрганда виждони қийналади, доимо ёниб-куйиб яшайди, қандай қилиб бўлмасин, уларни бартараф этишга интилади, керак бўлса, бу йўлда ҳатто жонини фидо қилади".

"Истиқлол Нур агро" фермер хўжалиги раҳбари Чинпўлат Нуруллаев менга бир гапни айтган эди:

– Ҳамма фермерлар ҳам тенг ишламаяпти-да, ака, бўлмаса бундан ҳам бой бўлиб кетардик. Ерни олишга олиб, уни ўз ҳолига ташлаб қўядилар, куйиб-пишиб ишламайдилар. Улар қора қозоннинг қайнаб турганига қаноат қилиб, ўрганиб қолишган. Яхшироқ ишласанг, яна битта қозон осасан, атрофингда ёрдамингга, кўмагингга муҳтож одамлар бор, ўзингдан ортганини уларга бер, ҳомийликка ўрган...

Англагандирсиз, фермер укамнинг виждони уйғоқ. Аввало ер учун ачинаяпти, сўнг лоқайдларни қоралаяпти.

Ўзининг иши эса мақтовга лойиқ. Маҳалласининг йўли ёмон эди, йўл қурилиш бошқармасига боравериб, ниятига етди. "Йўл таъмирлашнинг ярим пулини мен бераман" деб уларни ишни тезлатишга чорлади ва шундай ҳам қилди. Энди бу равон йўлдан ҳамма қатнаяпти, кимдир бу ишга бош-қош бўлганни эслаяпти, кимдир эса йўқ. Чунки, муҳими бу эмас.

Яқинда каттароқ бир амалдорни ишдан олишди. Бундай пайтларда бири тоғдан, бири боғдан гаплар қизийди. Кимдир фалон иши учун ишдан олинибди деса, кимдир тугун иши учун амалидан кетибди дейди. Даврада ўтирган кексалардан бири зиёлироқ йигитга юзланиб:

– Давронжон, сиз аниғини биласиз, ўғлим нима гап ўзи? – деб сўради. Йигит миш-мишларга зўрға чидаб ўтирган эканми, дарров жавоб қилди.

– Сотқинлиги учун ишдан олишди.

– Ие, чет элга сотилган эканми? – деди соддароқ бир киши.

Йигит даврадагилар ундан давомини кутиб туришганини сезиб сўз бошлади:

– У одам элнинг, юртнинг манфаатига зарар етказди. Ўзининг нафсини ўйлаб, сиз билан бизнинг насибамизни туя қилган экан. Унинг нўноқлиги устига муттаҳамлиги туфайли давлат катта зарар кўрибди. Юртга фойдаси тегмай, зарари теккан одам сотқин бўлади-да. Тўғрими, Эшон бува?

Тўрда ўтирган қария бош силкиди, қолганлар эса муҳокамага тушиб кетди. Четдан қараб турган одам даврада ўтирганларнинг виждони уйғониб кетди, деб ўйлайди, балки ростдан ҳам шундайдир?!

"Виждони қийналди, виждонингиз қийналмайдими?" деган сўзларни тез-тез эшитиб турамиз. Шу билан бирга бир одамнинг яхши хислатлари ҳақида гапирганда "Виждонли, виждони бор одам" деб ҳам баҳо берамиз. Бу тавсифлар шуни англатадики, инсон ҳаётида виждон – муқаддас туйғу ҳисобланади. У сизнинг ҳалоллигингизга, имонингиз бутунлигига, хушахлоқлигингизга, ҳурмат ва иззатингизга берилган тўғри баҳонинг номидир.

Мустақиллик ҳаётимизнинг асл мазмунига айланиб борар экан, виждони уйғоқ одамлар сафи ҳам, уларнинг ўзгаришлардаги иштироки ҳам кенгаяверади. Фақат ҳар бир одам ўзи қилаётган ишларни гоҳо-гоҳо мулоҳаза тарозисига солиб, "менинг виждоним уйғоқми?" деб сўраб турса, фойдадан холи бўлмайди. Зотан, ҳар бир инсон умр бўйи ўзи билан ўзи олишиб яшаркан!

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**

Қишлоқ мулкдорлари

**Бу тун Нишонбой фермернинг уйқуси сийрак бўлди. Эртага ўтказилажак синов ўримининг қандай натижа кўрсатиши ҳақида кўп ўй сурди. Ахир бу саккиз аъзонинг, демакки, саккиз оиланинг ризқи масаласи. Улар шу шолипояга кўз тикишган. Ҳам рўзғор, ҳам орзу-ҳавас дегандек, бутун умидлари шу 12 гектар ердаги ҳосилдан.**

# МЕҲНАТЛАРИ РОҲАТИНИ КЎРИШАЯПТИ



Аслини олганда, аъзоларнинг кўнгиллари тўқ. Ёз бўйи тиним билмай қилган саъй-ҳаракатлари зое кетмаганлиги шундоққина кўриниб турибди. Ҳосил чўғи чакки эмас. Шундай бўлсада, Нишонбой фермер жамоа раҳбари сифатида уларнинг турмуш шароитларига бефарқ қаролмайди ва шу боис доимо қайғуради.

Эртаси куни биз ҳам Қуйичирчиқ туманидаги "Нишонбой Жамшид" фермер хўжалиги даласида синов ўримининг устидан чиқдик.

– Ҳосилнинг олдини ҳозиргина омборга жўнатдик, – дейди Нишонбой Гунтоев. – Унинг қанча тарози босганига қараб, ҳосилдорликни ҳам, умумий хирмон салмоғини ҳам чамалаб кўришимиз мумкин бўлади.

– Асл шоликорнинг кўз чамаси тарозидан қолишмайди...

– Кутганимиз бўлади шекилли. Камида 50 центнерни мўлжаллагандик, янглишмаганга ўхшаймиз. Шартномани 30 центнер юзасидан тузганимизни ҳисобга олсак, даромадимиз чакки бўлмайди. 20 миллион сўм атрофида фойда кўрсак керак. Бу – аъзоларимизнинг омади, бахти.



– Ҳа, ризқ-насибамиз баракали бўлади бу йил, – дейди хўжалик аъзоси Расул Жетибоев. – Шолимиз шартномадагидан анча ортиб, ўзимизга ҳам 24-25 тонна қолади, албатта. Раҳбаримиз саккиз аъзонинг ҳар бирига икки тоннадан шоли ваъда қилаётгани бежиз эмас.

– Яна битта жиддий ниятимиз бор, – деди фермер пировардида. – Даромадимиздан битта ДТ-75 ҳайдов трактори, битта Т-28х4 транспорт трактори ва унга тиркама сотиб олмоқчимиз.

Шартномадагидан қарийб икки баравар ошириб ҳосил олаётган фермернинг бунга қурби етишига шубҳа йўқ.

**Самад ЙЎЛДОШ.**

**СУРАТЛАРДА:** фермер Нишонбой Гунтоев ва ишчи Расул Жетибоев ҳосилдорликни чамалашяпти; комбайн синов ўримини бошлади.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# МАЪНАВИЯТНИНГ МУҲИМ ҚИРРАСИ

**Юрт тараққиёти, эл равнақи шу масканда яшаб турган халқнинг маънавий салоҳиятига бевосита боғлиқ. Зеро, маънавият тушунчаси ғоявий, маданий, маърифий, ахлоқий каби қарашларни ўзида мужассам этганки, у мамлакат ва жамият равнақига бевосита таъсир ўтказмай қолмайди. Республика Президентининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида ушбу масалага оид кўплаб қимматли фикрлар баён этилган.**

Юртбошимизнинг китобида у ёки бу халқнинг маънавият даражаси табиатнинг безаволлиги ва атроф-муҳитнинг мусаффолиги билан ҳам белгиланиши хусусида атрофлича мулоҳаза юритилган. Жумладан, борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи инсонлар руҳий олами билан чамбарчас боғлиқ эканлиги таъкидланади.

"Экосан" ташкилотида "Юксак маънавият орқали экологик барқарорлик сари" мавзусида ўтказилган учрашувда юқоридаги фикрлар қайта-қайта тилга олинди. Айниқса, бутун ер юзи бўйлаб давом этаётган мураккаб глобаллашув шароитида халқимиз, биринчи навбатда ёш авлоднинг маънавий дунёсини янада бойитиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилди.

Учрашувда иштирок этган қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, илмий муассасаларнинг раҳбар ва вакиллари мамлакатимизнинг экологик хавфсизлиги, умуман экологик барқарорлигини таъминлашда маънавиятнинг ўрни беқиёслиги, экологик барқарорлик сари эса, юксак маънавият орқали ҳаракат қилиш Ўзбекистон фуқароларининг муҳим вазифаларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Семинар-тренинг

# ЎЙЛАБ ҚУРИЛГАН ОИЛА

***биринчидан бузилмайди, иккинчидан соғлом фарзандлар, яъни буюк келажак бунёдкорлари бўлган баркамол ёш авлод дунёга келади***

Эътироф этиш керакки, жамиятда туғилиш бор экан, авлодларнинг шаклланиши ва вояга етиши жараёнида йўл қўйиладиган хато ва камчиликлар асоратсиз бўлмайди. Масалан, айрим болаларнинг ногирон ҳолда дунёга келиши ҳам бесабаб эмас. Одатда, эр-хотин ичкиликка ружу қўйган оилада, гиёҳванд моддалар ва ОИТС таъсирида шундай ногирон болалар туғилади. Ҳар ҳолда кўпчилик шундай ўйлайди. Аслида эса, боланинг ногирон туғилишининг бошқа яна бир, айтиш мумкинки, асосий сабаби бор. Бу яқин қариндошларнинг бир-бирлари билан оила қуришларидир.

Кейинги йилларда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш ва камайтиришга ҳаракат қилинаётгани бежиз эмас. Тиббиёт фани туғма ногиронларнинг кўпайишига ана шундай никоҳлар сабаб эканлигини аллақачон исботлаган. Шу муносабат билан республика Президентининг 2008 йил 18 июндаги "Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорида оналар ва болалар соғлиғини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ҳомиладор аёллар ва чақалоқлар патологиясини барвақт аниқлаш давлат тизимини янада ривожлантириш, болалар ногиронлигини қисқартиришга қаратилган асосий вазифалар белгилаб берилди.

Республика Адлия, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус ва Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ўртасида давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарори мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик орасида семинар-тренинг тарзида тарғиб қилиш юзасидан ҳамкорликда тузилган режа амалга оширила бошланди. Ушбу режа бўйича биринчи семинар-тренинг Тошкент вилояти адлия бошқармасида ўтказилди. Унда тегишли вазирликлар, республика скрининг ҳамда репродуктив саломатлик марказлари вилоят шаҳар ва туманлари ФХДЁ бўлимлари раҳбар ва мутахассислари иштирок этдилар. "Яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш – туғма ва ирсий касалликлар ўчоғи" мавзусидаги ушбу семинар-тренингларни вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам ўтказиш ҳақида келишиб олинди.

# ЙИЛҚИЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

**Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар барча соҳалар каби аграр тармоқда ҳам ўз самараларини бермоқда.**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаш ҳажми муттасил ошмоқда. Буни йилқичиликни ривожлантириш тизимида ҳам кузатиш мумкин. Айни вақтда мамлакатимиздаги фермер хўжаликлари ва хонадонларда 168 мингдан зиёд от парваришланмоқда.

– Зотдор қорабайирлар азалдан юртимиз ифтихори бўлиб келган, – дейди Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги "Камол ота" фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Камолов. – Шундай отларни янада кўпайтириш ниятида хўжалигимизда йилқичиликни йўлга қўйдик. Наслчилик хўжаликлари ва аҳолидан энг яхши, зотдор қорабайирларни харид қилдик. Хўжалигимизда парваришланаётган отларнинг қарийб икки юзтаси қорабайирдир. Айни пайтда от спорти клуби очдик. Бу ерда ёшлар от спорти билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит мавжуд. Спортчиларимиз орасида қитъа ва жаҳон биринчилиги мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлар бор.

**ЎзА.**

# МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВ – ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ БОШ МУРАББИЙИ

**Тошкентнинг "Бунёдкор" клуби бош мураббийи Миржалол Қосимов Ўзбекистон миллий терма жамоасининг янги бош мураббийи этиб тайинланди. Бу ҳақда 19 сентябрь куни Ўзбекистон Футбол Федерацияси Президенти терма жамоа раҳбарияти ва футболчилар билан учрашув чоғида расман эълон қилди.**



Миржалол Қосимов шу вақтга қадар Ўзбекистон миллий терма жамоасининг катта мураббийи сифатида ишлаб келаётган эди. Терма жамоада бош мураббий ёрдамчиси вазифасини ҳозирга қадар терма жамоа бошлиғи сифатида ишлаб келган Вадим Абрамов бажарадиган бўлди.

Шу пайтгача терма жамоа бош мураббийи сифатида ишлаб келган Рауф Инилеев ҳам жамоада қолади. Эндиликда собиқ бош мураббий ҳисобланган ушбу мутахассис терма жамоада техник директор лавозимини бажаради.

Қосимов ва унинг янги ёрдамчиси Вадим Абрамов келаси ҳафта аввалида миллий терма жамоанинг янги мураббийлар штаби рўйхатини тузиб чиқишади.

"Бунёдкор" устози терма жамоа бош мураббийи сифатидаги дебютини 11 октябрь куни сафарда Жанубий Корея терма жамоасига қарши ўртоқлик ўйинида нишонлайди. Японияга қарши Жаҳон чемпионати саралаш баҳслари доирасидаги ўйин олдидан тайёргарлик машқини ўтаб берадиган мазкур учрашувда иштирок этиш учун Қосимов ва унинг жамоаси 7 октябрда Сеулга учиб кетишади. 11 октябрь кунги спарринг учрашувдан сўнг, терма жамоа 12 октябрь санасида Сеулдан Токиога йўл олади.

Ўзбекистон терма жамоаси 16 октябрь куни Тошкентга учиб келади.

**www.the-uff.com**

Қилмиш-қидирмиш

# ТАЪМАГИРЛИК ОҚИБАТИ – ТАВҚИ ЛАЪНАТ!

**...Тақдир тақозоси экан, сирдарёлик Гўзал Жўраева оиласи билан Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрига кўчиб келди. Унинг асли касби ҳамшира бўлиб, бу мутахассислик бўйича 15 йил ишлаган, демак, Ангрендаги бирон тиббий муассасага ишга жойлашса, ҳаётида муаммолар бўлмайди. Лекин ишга жойлашиш у ўйлаганчалик осон бўлиб чиқмади.**

Кўпгина мурожаатларига "Бизда ҳозир бўш ўрин йўқ!" деган жавоб олди. Шу орада кимдир Гўзалга иш масаласи Ангрен шаҳар марказий шифохонаси бош шифокори орқалигина ҳал бўлишини шипшиди. Гўзал эртасигаёқ бош шифокор ҳузурига кирди, муддаосини айтди. Бош шифокор вазифасини бажарувчи Баҳром Ҳабибуллаев Гўзал келтирган ҳужжатларни кўздан кечириб "Телефонингизни қолдиринг, эртага бўш ўрин бор-йўқлигини аниқ айтаман" деди. Қўнғироқ бўлмагач, Гўзал яна икки-уч марта шифохонага келди, лекин вақтинча вазифа бажараётган раҳбарни учратолмай қайтди.

2008 йилнинг февраль ойи бошида Гўзал Б. Ҳабибуллаевни яна сўроқлаб борди. Шифохонада у маҳалладоши Инобат Эгамбердиевани учратиб қолди. У даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари бўлиб ишлар экан. Инобат "Мен бош шифокордан сиз учун илтимос қилиб кўраман, у ёғини ўзингиз келишиб кетарсиз" қабилида сўзлаб, Гўзални умидвор қилди. Икковлашиб бош шифокор вазифасини бажарувчи ҳузурига киришди. Инобат чиқиб кетгач, Б. Ҳабибуллаев муддаога ўтди. Гўзал билан унинг суҳбати тахминан қуйидаги мазмунда кечди:

– Ҳозир ишга жойлашиш қуруқ бўлмайди, харажати бор.

– Харажати қанча бўлади?

– Шу ерда ишлайдиганлардан сўранг, айтишади...

Гўзал сўраб-суриштирди, харажат миқдорини билиб ҳуши учай деди. Яна бир-икки марта бош шифокор вазифасини бажарувчига учради. Билдики, ишга жойлашиш учун имконидан анча ортиқ харажат керак. Лекин мудом ишсиз юролмайди-ку. У ўйлай-ўйлай ота-онаси, укасидан ёрдам сўрашга қарор қилди. Сирдарё вилоятида яшовчи яқинларига қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирди. Укаси Эркин унинг илтимосини эшитиб, аввал тутоқиб кетди, кейин босиқлик билан тушунтирди:

– Опа, биласиз, бунча пул бизда йўқ. Шундай бўлса ҳам ўз эҳтиёжингиз учун зарур бўлганда, бир амаллаб топардим. Лекин ўзингиз ўйлаб кўринг, бир ноинсоф порахўрнинг нафсини қондириш учун қарзга ботайликми?!

– Нима қилай бўлмаса?

– Сиздан пора талаб қилаётган таъмагирнинг додини бериш керак, токи унга ўхшаганларга ҳам сабоқ бўлсин. Опа, сиз яхшиси, тегишли ташкилотларга мурожаат қилинг...

Гўзал укасининг сўзларини кўп ўйлади. Шубҳасиз, укаси ҳақ эди. Гўзал Жўраева 2008 йил 25 февраль куни Тошкент вилояти миллий хавфсизлик хизмати бошқармасига мурожаат қилди...

Шу кунийёқ у яна Б. Ҳабибуллаев ҳузурига борди. Иккови ўртасида кечган суҳбатда бош шифокор вазифасини бажарувчи Б. Ҳабибуллаев Г. Жўраеванинг Ангрен шаҳар туғруқхонасига ҳамшира сифатида ишга жойлашиши учун нақд 500 АҚШ доллари миқдорида пора олишни кўзлаётгани маълум бўлди. Гўзал "Харажатнинг юзини бир ойдан кейин бераман", деганди, таъмагир "Бундай гаплар кабинетда гаплашилмайди", дея уни жеркиб, хонасидан тезгина чиқариб юборди...

Орадан уч кун ўтиб, 28 февраль куни Г. Жўраева бу хонага яна кириб келди.

– Ҳаммасини келтирдингизми? – сўради Б. Ҳабибуллаев.

– Ҳаммасини келтирдим, – деди Г. Жўраева.

– Стол четидаги қора папканинг тагига қўяқолинг.

Г. Жўраева ишга кириш ҳақидаги аризасини ва 500 АҚШ доллари миқдоридаги порани бош шифокор вазифасини бажарувчи айтганидек, қора папка тагига қистирди. Г. Жўраева хонадан чиқар экан Б. Ҳабибуллаев яна мужмал бир гап қилди:

– Бир-икки кундан кейин яна хабар оларсиз...

Орадан беш-ўн дақиқа вақт ўтар-ўтмас, Тошкент вилояти миллий хавфсизлик хизмати бошқармаси, вилоят прокуратураси ходимларидан тузилган махсус гуруҳ холислар иштирокида бош шифокор вазифасини бажарувчи хонасига кириб келишди. Порахўр ўз айбини тан олишга мажбур бўлди, Г. Жўраева қора папка остида қолдирган порани иш столи ғаладонидан чиқариб берди. Махсус текширувда хорижий валюта банкнотасига ишлов берилган махсус кукун қолдиқлари порахўр таъмагирнинг уст-боши ва қўлларида из қолдиргани аён бўлди. Буни қарангки, кейинчалик, суд жараёнида Б. Ҳабибуллаев "Мен порани ўз қўлим билан олмаган эдим, Г. Жўраева чиқиб кетгач, қора папканинг остидан олгандим", дея ўзини оқламоқчи ҳам бўлди. Бу таъмагирнинг ноинсофлиги шу қадарки, Г. Жўраевадан пора олгач ҳам, уни сарсон қилмоқчи экан. Хусусан, Б. Ҳабибуллаев Ангрен шаҳар марказий шифохонасига қарашли туғруқхона мажмуаси бош шифокори Гулсара Жабборовага телефон орқали "Олдингизга Гўзал деган аёл иш сўраб боради, иложи бўлса, бирор жойга тиқиб қўярсиз", дея мавҳум "кўрсатма" берган экан. Ўз навбатида Г. Жабборова ҳам Г. Жўраевани бирор жойга "тиқиб" қўйишнинг иложини тополмай, гапни чўзиб ўтирмади: "Ҳозирча бўш ўрин йўқ, хабарлашиб туринг..."

Бу воқеада яна бир ҳолат борки, у Б. Ҳабибуллаевнинг нафақат нафсига қул, балки ўта масъулиятсиз, ҳаттоки, фирибгарликка мойил кимса эканини тасдиқлайди. Гап шундаки, Б. Ҳабибуллаев бош шифокор вазифасини бажарувчи сифатида таъмагирлик қилиб пора олган куни у бу вазифага алоқадор бўлмаган. Яъни 2008 йилнинг 26 февралида у вақтинча эгаллаб турган лавозимга бошқа шахс – Ж. Юсупов расман тайинланган ва албатта, Б. Ҳабибуллаев бундан хабардор бўлган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди ушбу жиноий иш юзасидан ҳукм чиқарди – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига биноан порахўр Б. Ҳабибуллаев саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

* * *

Таъмагирлик ботқоғига ботиб, эларо шармисор бўлган кимсалардан яна бири Тошкент вилояти Бўка тумани халқ таълими бўлимининг собиқ мудири, 48 ёшли Шуҳрат Рўзматовдир.

2008 йил 3-4 январь кунлари вилоят халқ таълими бошқармаси ходимлари томонидан Бўка тумани халқ таълими тизимидаги ўрта мактабларда кластер синфлар ва ахборот-ресурс марказларининг аҳволини ўрганиш учун навбатдаги текширув ўтказилади. Текширув давомида тумандаги 2-ўрта мактабда жиддий камчиликлар мавжудлиги аниқланади. 5 январь куни текширув натижалари таҳлил этилган йиғилишда мактаб директори Ш. Ориполванинг ўз ишига масъулиятсизлиги қаттиқ танқид қилинади ва директор ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзади.

Шу кунийёқ Ш. Орипова аризасини қайтариб олиш, ишидаги камчиликларни бартараф этиб, фаолиятини давом эттириш истагини билдириб, туман халқ таълими бўлими мудири Ш. Рўзматовга мурожаат қилади. Умуман олганда, Ш. Рўзматов Ш. Ориповaнинг ўз фаолиятини давом эттиришига қарши эмасди. Аммо, вазиятдан фойдаланиб, ўз баднафсини қондиришни ўйлаган Ш. Рўзматов Ш. Ориповага шундай шарт қўйди: "Аризангизни қайтариб берамиз. Эвазига 200 АҚШ доллари берасиз. Икки кун ичида пулни келтиринг". Ш. Орипова айни тобда бунча маблағни келтиролмаслигини, кейинроқ топиб беришини айтди. Мудир гапни қисқа қилди: "Топасиз, топмасангиз бўлмайди!"

Ш. Орипова пулни топишга топдику-я, лекин мудирнинг таъмагирлиги ўз бошиға бало тоши бўлиб тегди. У порани чўнтакка уриши биланоқ, қўлига кишан солинди. Ш. Орипова мудирнинг таъмагирлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Тошкент вилояти бошқармасига ариза билан мурожаат қилган эди. Шундай тарзда таъмагир мудир масъул мансабдор шахс бўла туриб ўз хизмат мавқеидан қасддан фойдаланган ҳолда пора олгани учун жиноий жавобгарликка тортилди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди Ш. Рўзматовни саккиз йилга озодликдан маҳрум этиш ва қамоқ жазосини ўтагандан сўнг уч йил муддатга таълим соҳасида раҳбарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди.

**Шуҳрат АКБАРОВ,**
**Тошкент вилояти прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи.**
**(«Маҳалла» газетасидан).**

